

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

16 3-йил чиқиши
МАЙ 1968 й.
ПАЙШАНБА
№ 112 (571)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Кремльнинг «Россия» меҳмонхонасидан кўриниши.

В. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Эртага В. И. Лениннинг Туркистонда сугориш ишлари тўғрисидаги тарихий декретни имзолаганига 50 йил тўлади

ЙИЛЛАР, СУВ, ОДАМЛАР...

Оламда пахтадан кўра хилма хил маҳсулот берадиган ўсимлик йўқ. Пахта ишлатилмайдиган саноат ва техника тармоғини ҳам тасаввур этиш қийин. Аммо табиат ўнчалик сарф эмас. Гуза бошқа ҳар қандай ўсимликдан кўра кўпроқ эътибор ва парваришни талаб этади.

Шундан кейин мамлакатда умумхалқ ҳаракати бошланди. Питер ва Москва олимлари ва мутахассислари тушган шешенлар Туркистонга етиб кела бошлади. Уларни бу ерда қўриб қолган наҳаллар, гидроузеллар, бир неча асрлардан бу бир қатра сув кўрмаган ерлардаги ишлар кутиб турарди. Уш пайтда Туркистонда эшик ишлари ўн баробар қисқариб кетган эди. Халқ хўна.

шунда қуриляётган Ровотўжа тўғриси томон йўл олди. Биринчи аёл гидротехник Татьяна Колпакова раҳбарлигидаги кидирувчилар отряди Далларзин чулга қараб кетди. Г. К. Ризен Кампф группаси Мирза чўлда иш бошлаб юборди. Ирригация қурилишлари ри вожланиб борди. Биринчи беш йиллик арафасида Ўзбекистон меҳнатқошлари мамлакатнинг пахта мустақиллиги вазифини бажарамиз деб сўз бердилар. Бу вазифа муваффақият билан хал қилди. Сирдарё, Қорадарё ва Амударёда янги гидроузеллар пайдо бўлди. магистрал каналлардан оқадиган сув ҳажми икки баравар, уч баравар кўпайди. Дастлабки сув омборлари Каттакўрғон ва Косонсой сув омборлари пайдо бўлди.

Г. КИРХАДЖИ,
ЎЗАТГ мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Эттичи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси 15 май кун Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг учинчи мажлиси очилди. Мажлисини Олий Совет раиси депутат С. Ҳ. Сирожиддинов очди. Олий Совет сессия кун тартибидagi иккинчи масалани қараб чиқишга ўтиб, республика ишлари вазири депутат В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1967 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги докладнинг тингларди. Олий Совет план-бюджет комиссиясининг раиси депутат М. Иброҳимов шу тўғрисида қўшимча доклад қилди. Олий Совет раиси депутат С. Ҳ. Сирожиддинов, Қашқадарь областидаги сайлов округларининг депутатлари Г. Жабборов, С. Сафаров ва К. Жамолова областда телевидение янада ривожлантириш хусусида савол берганликларини маълум қилди. Сўнгра сессия кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда депутат Х. Асомов (39- Думбурбод сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Е. Айтмурадов, депутатлардан С. Хамроқулов (257- Қулчобий сайлов округи), Г. И. Скороботов (177- Бирлашган сайлов округи), Н. Аҳмедов (Партия XX съезди номидagi 373- сайлов округи), А. Ҳўжаев (93- Бўстонлик сайлов округи), З. Сирожиддинов (241- Мирзои сайлов округи), Н. Б. Бозоров (190- Хумдани сайлов округи), Ф. Т. Чупрунов (326- Октябрь сайлов округи) сўзга чиқдилар. Олий Совет Ўзбекистон ССРнинг 1967 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи яқдиллик билан тасдиқлаб, шу масала хусусида тегишли қарор қабул қилди. Учинчи мажлисининг охирида Олий Совет Ўзбекистон ССРнинг «Маданият ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Бу Қонун лойиҳасини сессия муҳокама-сига Олий Совет Қонун лойиҳалари тайёрлаш доимий комиссияси билан Олий Совет фан ва маданият доимий комиссияси киритган. Шу масала юзасидан Қонун лойиҳалари тайёрлаш доимий комиссиясининг раиси депутат Х. Р. Мусахонова доклад қилди. Доклад юзасидан бошланган музокараларда депутат Х. Худойберганава (420- Хива кишлок сайлов округи) сўзга чиқди.

Соат 15 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи мажлиси очилди.

ИЛЬИЧ ДЕКРЕТИ БИЛАН



СУРАТДА: Сурхон дарёсидаги «Занг» каналга қатнаши. Қурилишнинг бош майдони. (ЎЗАТГ фотоси).

1918 йилнинг май ойи. Мамлакатда очарчилик, қурғончилик ҳўим сўрпоти. Кўпгина қорхоналар тўхтаб қолган. Темир йўллар «мажолсиз» ҳаракат қилди. Ёш Советлар республикаси учун ана шундай оғир ва машаққатли пайтда пролетариат доириси В. И. Ленин Туркистонда сугориш ишларини олиб бориш ҳақидаги декретни имзолади. Шундан кейин мамлакатда умумхалқ ҳаракати бошланди. Питер ва Москва олимлари ва мутахассислари тушган шешенлар Туркистонга етиб кела бошлади. Уларни бу ерда қўриб қолган наҳаллар, гидроузеллар, бир неча асрлардан бу бир қатра сув кўрмаган ерлардаги ишлар кутиб турарди. Уш пайтда Туркистонда эшик ишлари ўн баробар қисқариб кетган эди. Халқ хўна. лгини оёқча тургазиш учун жуда ҳам зарур чораларни кўриш лозим эди. Партия ва ҳўчумат ана шу намчиликларга барҳам бериш мақсадида тегишли чоралар кўрди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда сугориш ишлари юришиб кетди. Бугунги кунда 24 минг гидроузел, 140 минг километри канал ва коллектор, 3,5 миллиард кубометр сув сақланадиган 11 омбор бунёд қилинди, 10 миңглаб ер қазийдиган механизмларга эга бўлинди. Ўзбекистон ана шундай улкан ишлар вазига қудратли республикага айланди. Иттифок бўйича тайёрланаётган пахтанинг 70 процентини республикамиз этназиб бераётир. Сув ҳўжалиги ишлари ой сайини, кун сайини кўпайиб борапти. Ҳозирги кунда ирригаторлар олайид Амударёда Тулғуйин гидроузелини, Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбатини, Катта Наманган каналини, бир қатор сув омборларини бунёд этиш вазифини тўрибди.

Тантанали кузатув

Кеча 14 Туркистон комиссарларига ҳайкал ўрнатилган вокзал олди майдонида пойтахт ва Тошкент шаҳридан Совет Армияси ҳамда ҳарбий денгиз флотси сафига янги қақирилувчилари тантанали кузатиб қўйишга бағишланган навбатдаги градицион митинг бўлиб ўтди. Митингни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов кириш сўзи билан очиб, Совет Армияси сафига қақирилувчиларни область партия комитети ва область ижтисоий комитети номидан қизғин табриклиди ва уларга оқ йўл тилади. Ҳарбий хизматга қақирилувчиларнинг ота-оналари номидан Оқтябрь районидagi 109- мактабнинг илмий бўлими мудир Мавлон Соатов сўзлади. Митингда Тошкент область партия комитетининг секретари Юриева, Чкалов номи авиация заводининг мастери, 4 ч марта Шўҳрат ордени кавалери Величко, Ленин номидаги Тошкент электрон лампа заводининг цех бошлиғи Андросов, ҳарбий хизматга қақирилувчилардан Октябрь революцияси номидagi Тошкент тепловоз вагон ремонтчи заводи комитетининг меҳнат бригадасининг аъзоси Филдолок, Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссари, генерал-майор К. Каримов респуб-



ИККИНЧИ РАСМИЙ СУҲБАТ
ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Бу ерда Авенио Клебердаги халқаро конференциялар уйда Вьетнам Демократик Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари вакилларининг иккинчи расмиий сўҳбаги бошланди.
МЕДИК СТУДЕНТЛАР НАМОЙИШИ
БОНН. Ғарбий Германиядаги кўпгина университетлар медицина факультетларининг студентлари 14 майда университетларни битириб чиққан медалиларнинг меҳнат шарафини яқдиллаштириш талаб қилиб, намоийиш ва митинглар ўтказдилар. Кўпга ёш медалилар Ғарбий Германия университетларини битирайдан сўнг ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай дилар.
НОЧОРЛИК САБАБЛИ
РИМ. Ғоят оғир уй-жой шароитидан ночор аҳволда қолган қашшоқлардан эдликка яқин оила Рим яқинидаги Пьетрагалда янги қурилган бир неча уйни эгаллаб олдилар. Ириқ полиция отрядлари бу оваларни янги уйларида ҳайдаб чиқарди. Нормал шароитда атиги 24 соат яшаган қашшоқлар ана ўз харобаларига қайтишга мажбур бўлдилар.
Ҳозир Римдаги яшаш учун яроқсиз бўлган уйларида 100.000 га яқин инши яшайди.
Р. КЕННЕДИ ГОЛИБ ЧИҚДИ
НЬЮ-ЙОРК, 15 май. (ТАСС). Небраска штатида ўтказилган дастлабки сайловда демократик партиядан президентликка номзодлар орасида сенатор Роберт Кеннеди голиб чиқди. Тулғиб бўлмаган дастлабки маълумотларга кўра демократ сайловчиларнинг 69 проценти Р. Кеннеди номзодини ёқлаб овоз берганлар.
АҚШ нинг ҳозирги президенти Жонсон номзоди учун сайловчиларнинг 6 проценти овоз берди.


ШАҲРИМИЗ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Сантехниклар
Ҳайрати
Тўқтин Ҳасанов раҳбарлигида 8 кишилик сантехниклар бригадаси ўтган йилги Кенсой посёлкасида икки 250 ўринлик ётоқхона, битта 140 ўринлик болалар бочаси, икки 12 квартиралли уй-жой биноларига иситиш ва канализация мосламаларини монтаж қилмоқда.
Шу кўнларда аҳил коллектив картошка, сабзавот ва полициклик экинлари илмий текшириш институтининг лаборатория биносида иситиш ва канализация мосламаларини монтаж қилмоқда.
Мақсадимиз — дейди бригада бошлиғи, хоналарнинг бир мейёрда иситиш ва кранлардан сувнинг бир текис оқиб туриши учун самарали меҳнат қилмашдир.
Санитария-техника ишлари мутахассисдан чуқур билим ва тажриба талаб қилади. Бригаданнинг Абдувахоб Мусаев, Давид Ях, Мирҳамад Нобиев, Николай Горш-

ков каби мутахассислари худди шундай ишларни сифатда кўнлик нормаларини ортини билан бажармоқдалар.
М. ИУСУОВ,
Э. ТУЛАГАНОВ.
«Ўзбекистон»
МЕҲМОНХОНАСИ
Навоий шаҳрининг бинокорлари пойтахтнинг Қорақамиш массивида ажойиб бинолар қурдилар. Эндликда улар Революция скверни ёнида бунёд этилаётган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қуриляётган ҳам ҳисса кўшмоқдалар.
«Ўзбекистон» меҳмонхонаси 19 қаватли бўлиб, 2 қават ер остида жойлашадди, атрофи гулзор, ҳовузлар билан ўралган бу бино беш гектар ҳамаси жойини эгаллайди, — дейди, прораб Саъдулла Ортиқ-

ков. — Ҳозир пойдевор мустаҳкамланиб, биринчи қаватга пўлат сичлар ўрнатилмоқда. Иш қизғин.
Х. ИЛХОМОВ.
Дурадгор
бинокорлар
Ҳамма ердагидек пойтахтимиз студентлар шаҳарчасида ҳам қурилиш ишлари авжда. Қаршинда салобат тўғиб турган бинолар ҳавасингизни келтиради. Ҳозир у ерда катта ва кўп қаватли уй-жой бинолари билан бирга, В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг бош корпуси ҳам тикланмоқда.
Университет қурилиш майдонида 2-қурлиш трестининг 29-қурилиш бошқармасига қарашли М. Бурчинин бошлиқ икки қаватли дурадгорлар бригадаси ҳам ишлашмоқда. Бригаданнинг қирққа яқин аъзосининг деярли ҳаммаси ёшлардан иборат. Кўнги 110-120 квадрат метрга паркет ётқизиб, уни пардозлашда Н. Умаров, Т.

Солхон, С. Қрияв, Б. Дорошенколарнинг ишлари диққатга сазовор бўлмоқда.
С. АҲМЕДОВ,
ТОШДУ студенти.
Тошкент вокзали
кенгаймоқда
Пойтахт вокзалини кенгайтириш ишида «Средатрострой»нинг 209-қурилиш бошқармаси коллективни монтажчиларни қатнашмоқда. Қурувчилар 800 квадрат метрлик сақлаш камераси, почта почтамчалари сақлаш омбори, кутубхона, шаҳарга кириш ер ости йўли қурилиш ишларини жадаллаштириб юбордилар.
Қурилишда Сафар Бобоҷонов, Шаҳобиддин Хусниддинов ва Валентина Павлова ўртоқлар бошқарётган бригадада коллективлар оялик латини 150 процент бажаришга эришмоқда.
Ҳ. САМАТОВ.



Нил дарёси тўсилгандан сўнг катта сув омбори вужудга келди. Унинг чуқурлиги ҳозир 65 метрга етди. В. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).





